

«Машъум ака-ука»



17:09 / 01.01.2025 2247

Агар «муборак ака-ука» бўлмаса, аёл тоифасидагиларнинг меросдан соқит бўлишини ўргандик. Ўша ака «муборак ака-ука» ёки «муборак қариндош» деб аталади. «Машъум ака» ёки «машъум қариндош» тоифаси шундай кишиларки, улар бўлмаса, аёллар мерос оладилар, улар бор бўлса, аёллар меросдан маҳрум бўладилар. «Машъум» дейилишининг сабаби шудир, яъни аёл ўша аканинг борлигидан зарар кўради, азият чекади, унинг борлиги аёлга шумлик келтиради. Бунинг мисоли қуйидагича:

а) Бир аёл вафот этиб, ортидан эри, онаси, отаси, қизи ва ўғлининг қизи қолди. Эрга тўртдан бир, онага олтидан бир, отага олтидан бир, қизга ярим, ўғилнинг қизига учдан иккини тўлиқ қилиш учун олтидан бир. Масала ўн иккидан ўн бешга авл[1] бўлади. Агар шу масалада ўғилнинг ўғли ҳам бўлганида, ўғилнинг қизи у билан бирга мерос олишдан маҳрум бўлар эди, чунки қолганлар фарз улушнинг ҳаммасини олиб қўйишар эди.

Ўғилнинг ўғли бўлмагани учун ўғилнинг қизи мерос олмоқда. Мана шу ака машъум ака дейилади. Қуйидаги икки жадвалда машъум аканинг бор ва йўқлигида масала қандай бўлиши кўрсатилган.

1-жадвал

Масаланинг асли 12 дан 15 га авл бўлади	12	15
Меросхўр фаръи борлиги учун	Эр $\frac{1}{4}$	3
Меросхўр фаръи борлиги учун	Она $\frac{1}{6}$	2
Меросхўр фаръи борлиги учун	Ота $\frac{1}{6}$	2
Асаба қилувчи йўқлиги учун	Қиз $\frac{1}{2}$	6
Учдан иккени тўлиқ қилиш учун, чунки бу аёлларнинг фарз улушидир	Ўғилнинг қизи $\frac{1}{6}$	2

2-жадвал

Масаланинг асли 12 дан 13 га авл бўлади	12	13
Меросхўр фаръи борлиги учун	Эр $\frac{1}{4}$	3

Меросхўр фаръи борлиги учун	Она $1/6$	2
Меросхўр фаръи борлиги учун	Ота $1/6$	2
Асаба қилувчи йўқлиги учун	Қиз $1/2$	6
Тарикадан ҳеч нарса қолмади	Асаба	Ўғилнинг қизи 0
Тарикадан ҳеч нарса қолмади		Ўғилнинг ўғли 0 (машъум)

Мулоҳаза. Ушбу ҳолатда асаба қилувчи қариндош ўғилнинг қизи даражасида бўлиши шартдир. Лекин у ўғилнинг қизи даражасидан паст бўлса, мисол учун, ўғилнинг қизи ва ўғилнинг ўғлининг ўғли каби, у ўғилнинг қизини асаба қила олмайди ва ушбу ўғилнинг қизи унинг борлиги сабабидан меросдан маҳрум бўлмайди, чунки ўғилнинг қизи фарз соҳибаси бўлади.

б) Бир аёл вафот этиб, ортидан эри, онаси, она бир акаси, туғишган опаси, ота бир опаси қолди. Ушбу масалада агар ота бир ака ҳам бўлса, ота бир опа меросдан маҳрум бўлади. Ота бир ака йўқлиги учун ота бир опа мерос олади. Ушбу ака машъум акадир. Бу масаланинг тафсилотини учинчи ва тўртинчи жадвалдан кўринг:

3-жадвал

Масаланинг асли 6 дан 9 га авл бўлади	6	9
Фаръ йўқлиги учун эрнинг фарз улуши	Эр $\frac{1}{2}$	3
Опа-сингиллар бир нечта бўлгани учун онанинг фарз улуши	Она $\frac{1}{6}$	1
Асл ва фаръ йўқлиги учун она бир аканинг улуши	Она бир ака $\frac{1}{6}$	1
Асаба қилувчи йўқлиги учун туғишган опанинг фарз улуши	Туғишган опа $\frac{1}{2}$	3
Учдан иккени тўлиқ қилиш учун аёлларнинг фарз улуши	Ота бир опа $\frac{1}{6}$	1

4-жадвал

Масаланинг асли 6 дан 8 га авл бўлади	6	8
Меросхўр фаръ йўқлиги учун эрнинг улуши	Эр $\frac{1}{2}$	3

Ака-ука ва опа-сингиллар бир нечта бўлгани учун онанинг фарз улуши	Она $1/6$	1
Асл ва фаръ йўқлиги учун ота бир аканинг улуши	Она бир ака $1/6$	1
Асаба қилувчи йўқлиги, опалар бир нечта эмаслиги учун туғишган опанинг улуши	Туғишган опа $1/2$	3
Машъум ака борлиги учун ота бир опа меросдан соқит бўлади	Асаба	Ота бир опа 0

Машъум ака опасига зарар бериб, унинг мерос олмаслигига сабаб бўлмоқда	Ота бир ака 0 (машъум)
--	-------------------------------

«????? ?????????? ?????? ?????» ???????????

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.

[1] Авл – мерос масалаларидан бири бўлиб, кейинги бобларда ўрганилади.